

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЗИЕВ УМИДЖОН ЯНДАШАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗОХЛИ ЛУҒАТЛАРДА
ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Қўзиев Умиджон Яндашалиевич

Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар тадқиқи 5

Kuziev Umidjon Yandashalievich

Research borrowings in Uzbek explanatory dictionaries..... 21

Қўзиев Умиджон Яндашалиевич

Исследование заимствованных слов в узбекских толковых словарях.. 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЗИЕВ УМИДЖОН ЯНДАШАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗОХЛИ ЛУҒАТЛАРДА
ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B.2017.2.PhD/Fil. 191 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманазарова Гулжаҳон Умрзаковна
филология фанлари доктори

Қобилова Зебо Муродовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фаргона давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фаргона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2018 йил «__»____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__»____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига тилни систем-структур нуқтаи назардан тадқиқ этиш, тил бирликларининг нутқий қўлланишларини очиб бериш, лисоний бирликлар ўртасидаги турли мазмуний муносабатлар асосида уларни семантик ҳамда лексикографик асосда тавсифлаш кун тартибига қўйилди. Шу жиҳатдан изоҳли луғатларда салмоқли ўрнига эга бўлган ўзлашма сўзларнинг талқинини ёритиш, уларнинг лисоний, ижтимоий ва маданий хусусиятлари юзасидан изланишлар олиб бориш муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Дунё тилшунослигига сўз ўзлашиши масаласи тилнинг лексик қатламлари, соҳавий лексикография, таржима назарияси, чоғиштирма тилшунослик, этнолингвистика, лингвокультурология каби соҳалар билан боғлик ҳолда ўрганилган. Миллатнинг илмий ва тафаккурий тараққиётини кўрсатиб берувчи муҳим восита бўлган луғат таркибининг доимий ўзгарувчан характерга эгалиги эса бу соҳадаги изланишларнинг давомийлигини таъминлайди. Зоро, луғатлар миллат тўплаган билимларни жамлаш, тартибга солиш, маълум халқни ўрганиш ва умумий баҳо бериш каби қўшимча функцияларга ҳам эга. Жумладан, изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзлар тил сиёсатининг асосий йўналиши сифатида ҳар қандай даврда зарур ижтимоий масалалардан ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигига ўзбек тили лексикасининг тараққиёт йўллари, унинг этимологик таркиби, ўзбек тилидаги ўзлашма ва байналмилад сўзларнинг лингвистик хусусиятлари, ўзлашма сўзларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш амалга оширилган бўлса-да, изоҳли луғатларда ифодаланган сўз ва ибораларнинг талқини доирасидаги тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбек тилининг янги беш жилдли изоҳли луғатининг яратилиши бу борадаги тадқиқотларни умумлаштириш эҳтиёжини майдонга келтирди. Шунга кўра, диссертацияда ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзларни социал ва лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш кўзда тутилади.

“Маърифатнинг яратувчанлик кучини ҳар бир соҳа, касб ҳамда шахслар фаолиятида рўёбга чиқариш амалиёти ва назарияси” доирасидаги “...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш”¹ вазифаси тилшуносликка оид назарий ва амалий тадқиқотлар учун асосий йўналишларни белгилаб беради. Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатининг яратилиши тилшунослик соҳасидаги энг йирик ҳодисалардан бири бўлди. Зоро, унда ўзбек тилининг лексик таркиби такомиллаштирилди, мукаммал тарздаги изоҳли луғат тузиш тамойиллари амалий жиҳатдан қарор топди, луғатчиликнинг кенг соҳавий тармоқларига оид ютуқлар умумлаштирилди, сўзларни семантик жиҳатдан изоҳлашда янги талқиндаги тартиблар ишлаб чиқилди, янги соҳавий луғатларнинг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда замон ва ижтимоий муҳитнинг алмашинуви

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ўзбек тили лексик қатламида оз йиллар ичида катта ўзгаришлар ясаганлиги лексикология ва лексикография соҳалари олдига қатор янги муаммоларни кўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигига ўзлашма сўзлар масаласига Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк», Алишер Навоининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида илк бор эътибор қаратилган бўлиб, мазкур асарларда туркий тилга ўзлашаётган сўзлар, уларнинг қўлланилиши борасидаги қарашлар маълум даражада ўз ифодасини топган. XX аср ўрталаридан бошлаб ўзбек тили лугат таркибини лексикографик асосда ўрганиш кенг тус олди. Бу тадқиқотларнинг айримларида сўз ўзлаштириш ҳозирги ўзбек тилининг умумий масалалари юзасидан олиб борилган бўлса, бошқаларида бевосита сўз ўзлаштириш масаласининг ўзи ёритилган². Жумладан, ўзбек тилидаги арабий ўзлашмалар

² Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы. – В кн.: Проблемы языка. I. – Ташкент, 1934; Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит. – Изв. Узб. Филиала АН, № 2, 1940; Боровский А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. – Ташкент, 1940; Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1945; Абдуллаев Ф. К некоторым вопросам лексики узбекского языка // Труды ИЯЛ АН Уз., I. – Ташкент, 1949; Иброхимов С. Фаргона шеваларининг касб-хунар лексикаси. II-III. – Ташкент: Фан, 1959; Хамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языке (вторая половина XIX века): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Дадаханова Т. Лексика вышивального искусства в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка А.Навои: Дис... докт. филол. наук. – Ташкент, 1966; Шарипов Ж. Из истории перевода в Узбекистане (дореволюционный период): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1968; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Ташкент, 1974; Дадабоев Х. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1985; Турсунпулатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Ташкент: Фан, 1986; Бегматов Э. Собственный пласт лексики современного литературного языка: Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1988; шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Ташкент, 1989; Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статистические и тематическая исследования: Дисс... канд. филол. наук. –

ва сўз бирикмаларини ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Бу йўналишдаги дастлабки ютуқлар Ф.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топган бўлса³, кейинчалик бир қатор қўзга кўринган олимларнинг илмий ишларида ҳам шу соҳанинг айрим муаммолари ўрганилган. Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик-семантик хусусиятлари Э.Бегматов, А.Рустамов, Б.Бафоев сингари олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган. Шунингдек, ўзбек тили лексикасининг тараққиёт йўллари, унинг этимологик таркиби, ўзбек тилидаги ўзлашма ва байналмилал сўзларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш А.Боровков, В.Решетов, М.Мирзаев, Н.Ғуломова, К.Юсупов, Т.Раҳмонов сингари тилшуносларнинг илмий ишларида ёритилган.

Шўролар даврида ўзлашма сўзлар изоҳи муаммоси ўзбек луғатчилиги билан боғлиқ юқоридаги бир қатор тадқиқотлар мавзусига айланган. Кейинчалик ўзбек тилининг бой имкониятларини намоён этувчи изоҳли луғатларнинг яратилиши⁴ уларни лексикографик нуқтаи назардан қиёслаш эҳтиёжини туғдирди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзларни семантик асосда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагича белгиланди:

изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзлар хусусидаги турлича талқинларни умумлаштириш;

изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларни лексик-семантик групкаларга ажратиш;

изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларнинг мазмуний мундарижасидаги ўзгаришларни аниқлаш;

сўз ўзлаштириш ҳодисасининг ижтимоий, маданий асосларини белгилаш;

ўзлашма сўзларнинг икки ва беш жилдли изоҳли луғатда талқин қилинишидаги фарқли нуқталар ва уларнинг сабабларини ёритиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида ўзбек тилининг икки жилдли (1981) ва беш жилдли (2006-2008) изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзлар олинди.

Ташкент, 1989; Антонова О. Семантика узбекских заимствований русскоязычных художественных произведениях писателей Узбекистана: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998; Кодирова Н. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 гг. (на материале газет и устной речи): Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2001; Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2004; Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2007.

³ Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1945.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдли. – М.: Рус тили, 1981; Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2006-2008.

Шунингдек, «Русча-ўзбекча луғат» (1984), «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2000, 2003, 2009), «Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati» (2001), «Фарҳанги забони тоҷики» (1981), «Ан-на'им» (2003) ва бошқа бир қанча соҳавий луғатлар материаллари ҳам фойдаланишга тортилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзлашма сўзлар семантик таркибида давр ўтиши билан юз берадиган ўзгаришлар ва уларнинг изоҳли луғатлардаги талқини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ва социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилар билан белгиланади:

мустақиллик даври ўзбек луғатчилигидаги анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари аниқланган;

изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларнинг аслият билан мазмунан мувофиқлиги ёритилган;

икки жилдли ва беш жилдли изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларга хос семантик ўзгаришлар аниқланган;

ўзлашма сўзларнинг икки ва беш жилдли изоҳли луғатларда талқин қилинишидаги илмий холислик, семантик тўлиқлик каби фарқли жиҳатлар ва уларнинг сабаблари ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

мустақиллик даври изоҳли луғатларида юзага келган ўзгаришлар, ўзлашма сўзларнинг семантик-структур тузилиши, сўз ўзлашиши билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хulosаларнинг ўзбек лексикографияси учун муҳим илмий-назарий маълумот бериши, шу соҳа юзасидан яратиладиган қўлланмалар ва луғатларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ўзбек тили изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзларнинг этимологик хусусиятлари аниқланган, уларнинг аслият билан семик мувофиқлиги очиб берилган;

ўзбек тили изоҳли луғатларидаги ўзлашма сўзларнинг лексик-семантик жиҳатлари, ижтимоий ва маданий белгилари аниқланган;

лексик-семантик тасниф ва идеографик луғатлар яратиш борасидаги назарий фикрлар мазкур соҳалардаги изланишларда кўрсатма вазифасини бажариши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хulosаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент, семантик ва социолингвистик таҳлил каби усуллар билан асослангани, ўзлашма сўзларни изоҳлашда ўзбек тилининг икки ва беш жилдли изоҳли луғатларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти лексикология, лексикография, семантика,

семасиология соҳаларининг назарий масалалари, хусусан, ўзбек тилининг янги изоҳли лугати афзаликларини кўрсатиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари ва натижаларидан олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари учун ўзбек лексикографияси, лексикологияси, семантикаси юзасидан ўқув дарслклари тузишда, янги изоҳли ва соҳавий лугатлар тузишда ҳамда ўзлашмаларни калькалашда амалий кўрсатма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбек тили изоҳли лугатларидағи ўзлашма сўзларни тадқиқ этиш асосида:

ўзбек тилининг изоҳли лугатларида физика фанига оид ўзлашма сўзлар ва терминлар, уларнинг семантик жиҳатдан тўғри тавсифланишига оид назарий қарашлари, амалий тавсиялари ва илмий хулосаларидан 2Ф-ОТ-0-15494 рақамли “Квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмалардаги экситонларни, поляронларни, биполяронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш” номли фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 89-03-805-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида ўзлашма терминлардан тўғри фойдаланиш, зарурий ўринларда ўзбекча муқобилларига алмаштириш сифати сезиларли даражада яхшиланган.

диссертациянинг ўзбек тили изоҳли лугатларида техникага оид ўзлашма сўзлар ва терминлар, уларнинг семантик жиҳатдан тўғри тавсифланишига оид тавсияларидан ИОТ-2016-2-9 рақамли “Жин машинасида хомашё валигининг зичлигини ростловчи ва электр энергия тежовчи мосламалар яратиб ишлаб чиқаришга жорий этиш” номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 89-03-805-сон маълумотномаси). Натижада ўзлашма сўзлардан тўғри фойдаланиш, зарурий ўринларда ўзбекча муқобилларига алмаштириб қўллашда амалий ёрдам берган. Шунингдек, лойиҳа ҳисботлари услуги қайтадан кўриб чиқилган, оммабоплиги ортган, соҳага оид ўзбекча терминлар сифат жиҳатдан маълум даражада янгиланган.

айрим арабча ва форсча ўзлашмаларнинг лингвокультурологик хусусиятларига доир материаллардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасидаги аудиомаълумотлар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг 89-03-805-сон маълумотномаси). Лойиҳада тадқиқот натижалари ўзлашмаларнинг маданий-миллий кўчимлари ва “менталитетнинг характерли жиҳатлари” намоён бўлишини тавсифлашда ижобий самара берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 25 та илмий-амалий анжумандадан, жумладан, республика миқёсида 20 та ҳамда 2

та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси юзасидан 31 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 142 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек луғатчилиги тарихи: анъана ва новаторлик» деб номланган биринчи бобида ўзбек лексикографиясининг илдизлари, тараққиёт йўналишлари ва босқичлари ҳақида фикр юритилади.

Кейинги йилларда халқ меросини ёшларнинг онгига сингдириш маънавий-маърифий соҳадаги энг муҳим масала эканлиги алоҳида эътиборга олинмоқда. Зоро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «... бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кескин кураш бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур»⁵.

XIX асрнинг 60-йилларида Э.Литтрे француз тилининг катта луғатини чоп эттирганда, машҳур адаб Э.Золя луғатни «француз цивилизацияси тарихига қўшилган ҳисса» деб баҳолаган эди⁶. Тилшуносликнинг ривожида ҳам лексикография ва лексикографик тадқиқотларнинг ҳиссаси катта бўлган. Сўзларни изоҳлаш жараёнида морфология, синтаксис, сўз ясалиши, лексикология каби соҳалар ютуқларидан самарали фойдаланиш баробарида лексикография уларга бир қанча натижаларни берди, ҳозирда луғатшунослик борасида тадқиқотлар ҳам талайгина⁷.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.17.

⁶ Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – Москва, 1989. – С.8.

⁷ Хусанов Н. Лексикографическая характеристика словаря Шейха Сулеймана Бухари «Лугати чигатойи ва турки усмани». Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Тошкент, 1982; Махамадалиев Х. “Фиёс-ул луғат” ва ундаги туркий қатлам: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1988; Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммеда Якуба Чинги: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1976; Ҳамидов З. Луғатшунослик тарихи ва қўллэзма луғатлар. – Тошкент: Адолат, 2004.

Ўзбек лугатшунослигининг юзага келиши ва тараққиёти қарийб ўзбек тилшунослиги билан бир даврдан бошланади. Чунончи, ўзбек (туркий) тили бўйича илк илмий манбалардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари қимматли лугатлардан саналади. Бу асар ўзбек лексикографиясининг тараққиётига тамал тошини қўйди, кейинги даврларда ҳам бу соҳада катта ютуқларга эришилди.

Илмий адабиётларда ўзбек лугатчилиги тараққиёти қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. XI-XIII аср лугатчилиги.
2. XV асрдан 1862 йилгача бўлган давр лугатчилиги.
3. 1878 йилдан 1917 йилгача бўлган давр лугатчилиги.
4. 1926 йилдан кейинги давр лугатчилиги⁸.

Шунингдек, кейинги даврлардаги соҳада эришилган ютуқлар, миқдор ва сифат ўзгаришларига асосланиб, истиқлол даври лугатчилиги босқичини ҳам ажратишимиш мумкин.

Ўзбек лугатшунослиги тарихининг ҳар бир босқичи алоҳида хусусиятларга эга. Шунга кўра, ишда ўзбек лугатчилигининг биринчи даврига мансуб «Девону луғотит турк», «Муқаддимат ул-адаб», «Сайдана» каби асарлар атрофлича таҳлил қилинди. Ўзбек лугатшунослигининг кейинги даврига оид Алишер Навоийнинг «Сабъату абхур», Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги лугатшуносликка оид кузатишлар, «Бадойиъ ал-луғат», «Санглоҳ», «Луғати атрокия», «Абушқа» каби манбаларнинг лугатшунослик тараққиётидаги ўрни, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ёритилди. Алишер Навоий асарлари асосида тузилган лугатларнинг умумий хусусиятлари таҳлил қилинди. 1926 йил Е.Д.Поливановнинг «Русча-ўзбекча лугат»ининг нашр этилиши ўзбек лугатчилиги тарихида янги даврни бошлаб берганлиги таъкидланади⁹. Ўтган асрнинг 20-йилларида фаолият кўрсатган жадидлар ва маърифатпарварлар ўзбек тилининг кўплаб соҳалари, шу жумладан, лексикография соҳасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширган эдилар. Бу борада Ибрат, А.Зоҳирий, С.Раҳматий, А.Қодирий, А.Сайдовларнинг лугатчиликка оид фаолияти фикримизнинг далилидир.

Ўзбек лугатчилиги ютуқларининг салмоқли қисми XX аср ва шўро даври билан боғлиқ. Рус фани билан боғлиқлик, янгича турмуш тарзи, ижтимоий сиёsat, техниканинг кириб келиши, янгича тузумнинг қарор топиши лугатшуносликда ҳам ўз аксини топди. XX асрда лугатчилигимиз ўз тенденция ва тамойилларига эга бўлди. Мафкуранинг таъсири кузатилса-да, бир қанча соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Уларда йўл қўйилган камчиликлар эса бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳоланмоқда, илмийлик, холислик тамойиллари билан ёндашиб, айримлари янгидан нашр этилишга эҳтиёж сезмоқда.

Мустақиллик даврида ҳам ўзбек лугатчилиги тилшуносликнинг етакчи, ривожланган соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг ривожланишида

⁸ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.294-297.

⁹ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.297.

асрий лексикографик тажрибалар, тилшуносликнинг ривожланиши, етук луғатшунос мутахассисларнинг етишиб чиқиши, илм-фан ва техниканинг ривожланиши, интеграция жараёнларининг ўрни яққол сезилиб туради. Ҳозирда кундалик турмушимизда, илм-фаннынг турли соҳаларида юз берадётган ўзгаришлар луғатларнинг сифат жиҳатдан янгиланиши, соҳавий луғатлар миқдорининг ортиши, янги луғат турларининг яратилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбек луғатчилигининг тараққий этишида Ш.Раҳматуллаев, А.Хожиев, Э.Бегматов, А.Нурмонов, Э.Умаров, А.Мадвалиев, Н.Маҳмудов, Н.Маҳкамов, Д.Худойберганова, Б.Ҳасанов, Ё.Одилов каби олимларнинг хизматлари катта.

Ушбу бобда мустақиллик даври ўзбек луғатчилиги тараққиётига алоҳида урғу берилган, луғатчилик борасида ҳал қилинмаган масалаларга эътибор қаратилган. Жумладан, «ўзбек тилшунослиги зиммасида компьютерга хосланган луғатчиликни яратишдек долзарб вазифа»нинг юкланаётганлиги¹⁰, «адабий асарлар лексикаси талаффуз ва имло жиҳатидан ўрганилиб, ҳозирги тил нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши», «Девону луғотит турк»дан бошлаб барча мумтоз луғатларни янгитдан нашр қилиш» лозимлиги, бунда товушларнинг фақат туркий тилларга хос бўлган жиҳатлари (чўзиқлик-қисқалик каби) ҳисобга олиниши¹¹ кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳамда идеографик луғатлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз кетади.

Диссертациянинг **«Изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзлар семантикаси»** деб номланган иккинчи боби сўз ўзлаштириш, ўзлашма сўзларнинг семантик таркибида юз берадиган ўзгаришлар, изоҳли луғатлардаги ўзлашмаларнинг семантик таснифи масалаларига бағишлиланган.

Ушбу бобда дастлаб сўз ўзлаштириш жараёни, унинг сабаблари, босқичлари ҳамда усуллари, шунингдек, билингвизм, байналмилал лексика, калькалаш каби тушунчаларга атрофлича изоҳ берилган.

Ишда ўзлашмаларнинг асосий белгилари сифатида унинг индивидуал ва колектив нутқда кенг, узлуксиз, узок давр қўлланиши, зарурийлиги, ўз қатlam қонуниятларига бўйсуниши, амалдаги имлога мослашганлиги, табиий ва аниқлиги, меъёр ҳисобланиши кўрсатилади. Ўзбек тилидаги кўпгина тожикча ва арабча ўзлашма сўзлар ўзбек ҳалқи нутқида асрлар мобайнида қўлланиб келди. Бу ҳол ўзлашманинг ўзбек тили луғавий меъёрларига сингиб кетишига асос бўлди. Тадқиқотда сўз ўзлашишининг социолингвистик, лингвокультурологик жиҳатларига ҳам эътибор берилади.

Сўз ўзлаштириш ва унинг миллий тилга сингиши янги тушунчанинг айни шу жамият бағрида юзага келмагани, янги сўзга тилда семантик ва шаклан муқобил йўқлиги, асимметрия ҳодисаси, тақлид, ибрат олиш ва бошқа психологик омиллар сабабли амалга ошади. Шунингдек, терминология ёки жаргоннинг келиб чиқиши манбасига кўра бир хил

¹⁰ Калонова Д. Ўзбек тилида компьютер луғатчилиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, №3. – Б.95.

¹¹ Умаров Э. Мустақиллик ва мумтоз ўзбек тили // Til va adabiyot ta'limi, 2011, №11. – Б.14-17; шу муаллиф. Туркий сўзларнинг арузга тушиш сабаби // Til va adabiyot ta'limi, 2012, №2. – Б.86-88.

бўлишига интилиш, аталаётган нарсанинг мақомини кўтаришга қизиқиш¹² ҳам сўз ўзлашуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Диссертацияда Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Абдурауф Фитрат, Элбек, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон тўра Ибрат каби атоқли олимларнинг сўз ўзлаштириш тамойиллари ва меъёрлари ҳақидаги қарашлари батафсил ёритилган. Шунингдек, ишда XX аср бошларида фаолият олиб борган «Чигатой гурунги»нинг тил, адабиёт соҳасидаги хизматлари борасида фикр юритилган. Бу масалада жадидларнинг фикрлари турлича бўлган. «Чигатой гурунги» аъзолари тил соғлиги тамойилига эътибор қаратган бўлса, Беҳбудий, Авлоний кабилар мўътадиллик ва тилнинг ижтимоий қонунларига аралашмаслик йўлини тутдилар. Бу ҳаракатлар ўз вақтида ўзбек тилининг ривожланишига маълум даражада таъсирини кўрсатди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгандан кейинги ўзбек тили луғат таркибида юз берган ўзгаришлар диссертацияда атрофлича ёритилган. Бобда изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларнинг аслият билан семик мувофиқлиги хусусида сўз юритилади, мустақиллик даврида ўзбек тили луғат таркибида юз берган ўзгаришларнинг ўзлашма сўзлар семантикасида ҳам акс этиши, бунда сўзларнинг этимологик тавсифи ва унинг аҳамияти ёритилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида ўзлашма сўзларнинг семантик тавсифланиши уларнинг аслияти ва бугунги фаол маъноси ўртасидаги муносабатлар метонимия, метафора, синекдоха, маъно торайиши, сатҳлараро кўчиш ҳодисалари воситасида аникланади. Араб тилидан ўзлашган *аза*, *азон*, *айш*, *аюҳаннос*, *айвон*, *айём*, *бисот*, акс кабилар ёрдамида семантик ўзгаришлар далилланади. Бу ўринда ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғати, «Аннаим» арабча-ўзбекча луғати, «Фарҳанги забони тоҷики», «Ўзбек тилининг этимологик луғати» кабилар таҳлилга тортилади. Сўзлар иллюстратив мисоллар, иборалар, мақоллар воситасида семантик таҳлил қилинади.

Адоват арабча ъада (югурмоқ, ошмоқ, қолдирмоқ, душманлик қилмоқ) феълидан¹³ келиб чиқкан бўлиб, ўзбек тилида «душманлик муносабати, шундай муносабатга хос ҳис-туйғу; кек, хусумат»¹⁴ маъноларида кўлланади. Араб тилида ҳам бу шакл орқали юқоридаги каби ва «ҳаддан зиёда зулм» маънолари ифодаланади. *Адоват* (хусумат)нинг югуриш сўзига семантик муносабати, бизнингча, араб миллатининг кундалик турмуши, урф-одатлари ва дунёқарashi билан боғлиқ. Арабларда югуриб келиш душманларга хос белги сифатида қабул қилинган. Масалан, қадимги туркийларда байроқли от, найзали киши душман лашкари маъносини ифодалайди: *Қуролли қайдан*

¹² <http://www.mylanguage.ru/Mods/CoursFrm.asp?actid=104>

¹³ Носиров О., Юсупов М. ва бошк. Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2003. 959 б. – Б.525. (Бундан кейин мазкур манбадан олинган ҳаволалар сахифаси қавс ичida кўрсатилади: Ан-На’им, 525 тарзида).

¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 41. (Бундан кейин ушбу манбадан олинган ҳаволалар сахифаси қавс ичida кўрсатиб борилади: (ЎТИЛ-5.П.41 каби)

*келиб тарқатиб юборди, наизали қайдан келиб суреб кетди?*¹⁵ Шу нуқтаи назардан сўзнинг «югуриш» семаси миллий қарашларимизга мос келмаган ва ўзбек тилига ўзлашмаган. *Ҳада* феълининг яна бир ҳосиласи – *адув* араб тилида ҳам (Ан-На’им, 525), эски тилимизда ҳам «душман» (ЎТИЛ-5.1.42) маъносида қўлланган.

Адо сўзи ‘аддаа (ادا) феълининг бир шакли бўлиб, бу феъл орқали «ҳақ тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ», «амалга оширмоқ», «баён қилмоқ, билдиromoқ», «бошлаб бормоқ» маънолари ифодаланади. Адо шакли эса «тўлов тўланадиган сумма», «бажармоқ», «амалга оширмоқ» (Ан-На’им, 15) маъносини ифодалайди. Шунингдек, турли ибора ва бирикмаларда «топширмоқ» (ваколатни), «салом бермоқ», «қасам ичмоқ» каби семаларга ҳам эга. Эътибор берилса, араб тилида *адо* ёки унинг асос феъли «қарз ҳисобланган бирор амал»ни ифодаловчи сўзлар (қарз, бирор буюрилган хизмат, қилиниши лозим бўлган одат) билан бирга қўлланиб, «бажармоқ», «тўла тугатмоқ» интеграл семасига эга.

Ўзбек тилида «иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг охири, тамоми, ижроси» (ЎТИЛ-5.1.40) маъносини ифодалайди. Иллюстратив мисоллардан сўзнинг кўпгина этимологик семалари сақланиб қолганлиги кўринади (1), (3), (4):

- 1) *иши адo бўлди* – «тутамоқ», «тўла бажарилмоқ»;
- 2) *куйиб адo бўлди* – «чуқур руҳий тушкунлик»;
- 3) *хизматни адo этмоқ* – «тутатмоқ», «ўтамоқ»;
- 4) *ҳажс фарзини адo этди* – «ўтамоқ»;
- 5) *фарзандлик ҳаққини адo этди* – «бажармоқ», «тутатмоқ»;
- 6) *душманини адo қилди* – «мағлублик»;
- 7) *ватан олдидаги бурчини адo этмоқ* – «ўтамоқ».

Юқоридагиларни солиштириб чиқсан, ўзбек тилида сўзнинг «тутамоқ» семаси етакчи эканлигига ва асосан бирор фаолият-жараён билан боғлиқлигига гувоҳ бўламиз. (2), (6) мисоллар ўзбек тилининг ўзи учун бўлиб, *адо* сўзи аслий маъносидан нисбатан узоқлашгани билан характерлидир.

Ўзбек тилидаги *аёл, оила* сўзлари араб тилидаги ъа:ла (لء) феълидан келиб чиқкан. Мазкур феъл «камбағал (ночор) бўлмоқ», «катта оилали», «(оилани) бокмоқ, таъминламоқ» (Ан-На’им, 578) маъноларини ифодалайди.

ъа:ланинг турли ҳосила шакллари «камбағал», «бокинди», «оила», «оила аъзолари» каби семаларни ифодалайди. *Оила* шаклининг мазмун мундарижаси араб ва ўзбек тилларида бир хил. Ҳар икки тилда ҳам «ижтимоий таъминга муҳтоҷ» интеграл семаси мавжуд. Аёл шакли араб тилида йўқ (бизнинг манбага кўра). Биз *аёл* сўзи учун иёл шаклини этимологик асос деб ҳисоблаймиз Чунки арабча ъайн ҳарфи ўзбек тили талаффуз қонуниятларига мос келмайди. Шу туфайли ъ (айн)дан кейинги и товуши а тарзида ўқилади (қиёс. Ҷийд – ҳайит, ъиён – аён). *Иёл* шакли эса араб тилида «бола», «фарзанд» маъноларини ифодалаш учун ишлатилади.

¹⁵ Кул тигин битиктоши. Фойдаланилган манба: Абдурахмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б.160.

Эски туркий тилда ҳам *аёл* сўзи «фарзанд» маъносида учрайди: «Ўгул жувонмард. Анинг учунки, ота ўгулдин кечти, ўгул жондин кечти. Жон аёлдин ализроқ турур»¹⁶. Шунингдек, Шарқ халқлари учун муштарак муҳим маданий белгилардан бири – оила аъзоларининг исмини, ҳаттоки уни атовчи сўзни яшириш *аёл* сўзи қўлланишида кузатилади. Чунончи, ўзбек халқида андиша юзасидан хотин ўрнида завжса, рафиқа, заифа, турмуши ўртоқ, келин, янга, болалар, уйдагилар каби сўзлар ишлатилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги *аёлманӣ* сўзида *аёл* лексемасининг «бола», «фарзанд» семалари тўла ўзлашган: “оилали, бола-чақали”, “бола-чақаси кўп” (ЎТИЛ-5.І.43) ва сўз эркак жинсига мансуб шахс белгисини билдиради. Демак, *аёл* сўзининг этимологиясида “фарзанд” маъноси етакчи. Ўзбек ва араб тилларида *аёл* сўзининг семантическими таркибини солиштириб чиқамиз:

	Араб тилида	Ўзбек тилида	Сема
1	«шахс»	«шахс»	+
2	«оила аъзоси»	«оила аъзоси»	+
3	«жинси номаълум»	«жинси – эркакка зид»	-
4	«натижа», «самара»	«иштирокчи»	-
5	«ёш», «навқирон»	«балоғатга етган», «етук»	-
6	«ижтимоий имконияти чекланган»	«ижтимоий имконияти чекланган» (нисбатан)	+

Демак, ўзбек тилида *аёл* сўзининг ҳозирги қунда «умуман эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс; хотин», «хотин-қизлар» (ЎТИЛ-5.І.43) тушунчасини ифодалашига «шахс», «оила аъзоси», «таъмниталаб», «ижтимоий имконияти чекланган» интеграл семалари асос бўлиб хизмат қилган.

Ишда изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларнинг таснифи масаласига ҳам эътибор қаратилган, ўзлашма сўзлар муайян лексик-семантический групкаларга бўлинган. Шунингдек, сўзларни таснифлаш жараёнида изоҳли луғатлардаги айrim қисқартма шартли белгилар тушунча моҳиятига мос келмаслиги, грамматик туркумларга ажратишдаги ноаниқликлар ва уларни бартараф қилиш борасида сўз юритилган.

Ишнинг **«Изоҳли луғатларда ижтимоий хосланган ўзлашмалар талқини»** деб номланган учинчи бобида лексиканинг муайян ижтимоий қатлам учун хосланган кўринишлари – социолектлар, диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, уларнинг адабий тилга сингиб бориши ҳамда изоҳли луғатларда ифодаланиши ҳақида сўз боради.

Ушбу бобда дастлаб социолингвистика ва социолект тушунчаларига тўхталиб ўтилади, ўзлашмалар ўз қатламдаги сўзлар каби доимо бирор ижтимоий груп нутқининг ажралмас қисми эканлиги кўрсатилади. Социал

¹⁶ Рабғузий Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.80.

хосликка эга сўзларнинг изоҳли луғатларда тавсифланиши масаласи ҳақида сўз боради.

Социолектлар изоҳли луғатларда нисбатан кам учрайди ва луғатларга с.т. (*сўзлашув нутқида*) изоҳи билан киритилади. Масалан, *нард(a)* «*рақиб томонларнинг шашкаларни ўйин таҳтасининг икки қарама-қарши томонига жойлашитириб, уларни ўртага отилаётган соққаларнинг кўрсаткичлари (холлари)га қараб уяча (катак)лар бўйича суриб, уячаларни тезроқ тўлдиришидан иборат қадимги ўйин доим ва шу ўйин учун керак бўладиган нарсалар ийғомаси» (ЎТИЛ-5.ИІ.17) бўлиб, икки жилдли изоҳли луғатда келтирилмаган. «*Hozirgi o’zbek tili faol so’zlarining izohli lug’ati*»да «*айланма ҳаракат бўйича шашка доналари билан тешикчаларни ким биринчи бўлиб беркитшига асосланган ўйин тури*¹⁷ тарзида изоҳланган. Демак, сўзнинг икки жилдли луғатга киритилмаслиги, аввало, у ифодалаган тушунча билан боғлиқ. Нард ўйини ўзбек халқи ҳаётида олдиндан учраса ҳам («Кунтуғмиш»), умуман заарарли одат сифатида қораланган. Ислом динида қимор хавфи борлиги ва вақт исрофгарчилиги нуқтаи назаридан, шўро воқелигига эса ўтмишдан қолган заарарли иллат деб қаралгани учун социал чегараланган қатламга ўтиб қолган.*

Изоҳли луғатнинг III жилдида келтирилган *раҳматли* сўзи вафот этган киши ҳақида (ЎТИЛ-5.ИІ.363) айтиладиган сўз ҳисобланиб, бу сўзни айтиш орқали сўзловчи мазкур шахсга, шунингдек, динга муносабати ижобий эканлигини билдиради.

Вишика «баланд минора шаклидаги иншоот» бўлиб, маҳбуслар нутқида «олий жазо – ўлим» (ЎТИЛ-5.І.462)ни ифодалаши, сўзнинг арго, яъни социолектнинг бир қисми эканлигини билдиради, икки жилдли изоҳли луғатда эса бу ҳолат кузатилмайди.

Пас сўзи икки жилдли луғат, «*Hozirgi o’zbek tili faol so’zlarining izohli lug’ati*»да сўзлик таркибида учрамайди. Беш жилдли изоҳли луғатда омоним сўз сифатида «*Карта ўйинида: ўйиннинг айни бир даврасида (карта айланшида) фаол қатнашишидан воз кечиши ёки мағлубиятни тан олиши*» ва спортга оид «*баъзи спорт ўйинларида бир ўйинчининг ўз шериги (жамоадоши)га тўп ёки шайбани узатиши*» (ЎТИЛ-5.І.232) тарзида изоҳланади. Биринчи сўз айни қизиқиши жиҳатдан маълум гурухга кирувчи одамлар нутқидагина ишлатилади. Бу ҳолат изоҳли луғатлардаги семантик тавсифларда ҳам кузатилиши мумкин. Ҳар икки изоҳли луғат, шунингдек, «*Hozirgi o’zbek tili faol so’zlarining izohli lug’ati*»ни ўзаро қиёслаш натижасида ижтимоий хосликка эга бундай сўзлар фаоллашиб, умумқўлланишга ўтиб бораётганлиги ойдинлашмоқда.

Учинчи бобда диний тушунчани ифодаловчи сўзлар бир неча мавзуй гурухларга ажратилади, улар семантик жиҳатдан тавсифланади, икки жилдли ва беш жилдли изоҳли луғатларда берилган изоҳлар солиширилади. Жумладан, *вакил* сўзи семантик таркибида «*бирор киши, муассаса,*

¹⁷ Ноjiyev A., Nurmonov A. va boshq. *Hozirgi o’zbek tili faol so’zlarining izohli lug’ati*. – Toshkent: Sharq, 2001. – Б.146.

ташиклот ва иш. номидан иш кўришига ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс», «бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи», «бирор соҳа, ижтимоий гурух, жамият ва иш.к.га мансуб киши, намоянда»¹⁸ (ЎТИЛ-2.І.171) маъноларидан ташқари диний тушунча сифатида вакил ота бирикмасида «мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиш, куёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулки ва ш.к.ларни келишишда қатнашади)» (ЎТИЛ-5.І.436) маъносини ифодалайди.

Жамоат сўзи «Ислом. Энциклопедия»да «муайян мақсадда тўпланган мусулмонлар гурухи, жамоаси», «ислом фиқҳида йигилиб намоз ўқиган кишилар», «намоздаги жамоат – икки ва ундан зиёд кишининг фарз намозини битта имомга эргаиган ҳолда адо этиши», «кишиларнинг иттифоқликка бирлашиши»¹⁹, «Диний атамалар ва иборалар» лугатида сўз «бир мақсад учун йигилган кишилар, муайян мақсадда тўпланган мусулмонлар гурухи, жамоаси»²⁰ маъноларини ифодалаши кўрсатилган. Ҳозирги ўзбек тилида «масжидга намоз ўқиши учун борган кишилар тўдаси» маъносидан «халқ, халойиқ, кўпчилик», шунингдек, «кўпчиликка, оммага қарашли, тегишли» (ЎТИЛ-5.ІІ.68) маъноларида ишлатилади. Сўзниг айрим маънолари асосан жамоа шаклига юклangan. Қиёс: жамоат хўжалиги – жамоа хўжалиги. Демак, жамоат сўзи диний лексикада «мусулмонлар гурухи», “намоз ўқиши мақсадида», «фарз намози ўқиши мақсадида» семалари билан фаоллашади, умумкўлланишда эса маъно кенгайиб, умуман «кўпчилик» семаси фаоллашади.

Шунингдек, икки жилдли лугатда *тасаввуф* тушунчаси бевосита ислом дини билан боғлиқ эканлиги кўрсатилмаган, шундан келиб чиқилса, тушунчага нисбатан «илоҳлар» изоҳининг ноўрин қўлланганига гувоҳ бўламиз. Беш жилдли изоҳли лугатда эса сўзниг маъноси бирмунча тўлиқ ва лўнда шаклда ёритилган:

Тасаввуф	
Икки жилдли лугатда	Беш жилдли лугатда
«Ғайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, одамнинг илоҳлар билан бевосита алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод; мистика» (ЎТИЛ-2.ІІ.130).	«Исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, унинг руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот, диний эътиқод; суфийлик» (ЎТИЛ-5.ІV.7)

Кейинги йилларда яратилган лугатларда ҳам тасаввуф тушунчаси «исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдли, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2006. – Б. 171. (Бундан кейин ушбу манбадан олинган ҳаволалар сахифаси қавс ичидаги кўрсатиб борилади: (ЎТИЛ-2.ІІ.171 каби)

¹⁹ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.159.

²⁰ Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли лугат. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.62.

таълимот»²¹, «нафс тарбияси илми бўлиб, Аллоҳни билиш ва таниш (маърифатуллоҳ), Унинг розилигига мувофиқ холис бандалик қилиш»²² тарзида таърифланган. Кўринадики, беш жилдли луғатда сўзлар тушунчанинг моҳиятига мувофиқ ҳолатда талқин этилган.

Жон сўзи изоҳида ҳам изоҳли луғатлардаги фарқларни кузатишимииз мумкин: «диний-мистик тасаввурларга ва идеалистик фалсафада: жониворлар барҳаётлигининг ўлганда гўё тандан жудо бўладиган, одамда эса руҳга айланиб абадий яшайдиган гайритабиий (илоҳий) омили» (ЎТИЛ-2.I.286) – «диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйқу чогида (вақтингча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; руҳ» каби. Шунингдек, берилган иллюстратив мисоллар орқали жон сўзи маъноларини аниқлаштириш мумкин:

Жони оғримоқ – «сезувчи, ҳис этувчи тан, бадан» – «таннинг жон билан узвий боғлиқлиги»;

Кемага тушиганинг жони бир – «ҳаёт, ҳаёт-мамот» – «энг олий, умумий манфаат»;

Биз тўққиз жон эдик – «киши, одам» – синекдоха йўли билан: «жоннинг тан билан бирга инсоннинг узвий қисмлари эканлиги», қиёс: *Биз тўққиз тан эдик ёки бир тан, бир жон бўлиб*;

Ёш жонинг бор, қизим – «бош, жусса» – «бош ва жоннинг узвий боғлиқлиги ва улар тана тириклигининг асоси эканлиги», «умр», қиёс: *Ёш бошинг билан аралашиб нима қиласан*;

Жони борича ҳаракат қилмоқ – «куч, қувват, мадор» – «қувватнинг жондан таъсир олиши»;

Ёмғир – пахтанинг жони – «ҳаёт манбаи, ҳаёт бағишловчи нарса» – «энг азиз нарса», қиёс: *Жон керакми, ҳамён?*

Демак, изоҳли луғатларда келтирилган иллюстратив мисоллар сўзларнинг турли маъно қирраларини қўрсатишга, ўз навбатида, тил эгаси бўлган миллатнинг дунёқарашини намоён этишга хизмат қиласди.

Давр ўтиши билан тилнинг луғат таркиби, ундаги сўзларнинг фаоллашуви ва истеъмолдан чиқиб бориши билан бирга, жамиятнинг ўша тушунчаларга нисбатан умумий кайфияти ҳам ўзгариб туради. Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати шўро даври илмининг умумий тамойиллари, қонуниятларини ўзида акс эттиради. Шу сабабдан қарийб 30 йил давомида тилимиз луғат таркибida рўй берган сифат ва миқдор ўзгаришларининг қўрсатилиши, луғатшунослик соҳасида эришилган ютуқлардан унумли фойдаланилиши каби омиллар янги изоҳли луғатнинг афзаллигини белгилайди.

ХУЛОСА

²¹ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б.454.

²² Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли лугат. – Тошкент: Faafur Fуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.154.

1. Ўзбек луғатшунослиги ва луғатчилиги ўзига хос тараққиёт босқичлари ҳамда йўналишларига эга. XX асрга қадар асосан таржима луғатлари яратилган бўлса-да, сўзлар тартибланиши, изоҳланишида турлича тамойиллар кўзга ташланади. Бунда араб луғатшунослиги ютуқларидан самарали фойдаланилган.

2. Ўзбек тилшунослиги айнан луғатшунослик бағрида юзага келган. «Девону луғотит турк», шунингдек, «Бадойиъ ал-луғат», «Санглоҳ» каби луғатлар Шарқ луғатшунослигининг энг яхши анъаналарига суюнганлиги, ўзбек тилининг турли соҳаларига оид илмий кузатишлар, танқидий қарашлар берилганлиги, грамматик очеркларга эгалиги билан ажralиб туради.

3. XX аср ўзбек луғатшунослигига рус, шу орқали Европа тилшунослиги анъаналарига эргашиб кузатилади. Шу билан бирга, луғатшунослик фанининг шаклланиши ҳам шу даврга тўғри келади.

4. Ўзбек тилига оид луғатларнинг аксарият қисми монографик планда тадқиқ этилганлигига қарамай, бу ютуқларни бугунги луғатшуносликка татбиқ этиш масаласи муҳим вазифалардан ҳисобланади.

5. Сўз ўзлаштириш масаласи тилшуносликнинг социолингвистика, қиёсий тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик каби йўналишларида турли томондан тадқиқ этилади. Ўзлашма сўзларни луғатларда семантик тавсифлашда эса мазкур соҳаларнинг ютуқларидан ҳам унумли фойдаланиш ўзига хос самара беради.

6. Ўзбек тилининг икки жилди изоҳли луғати XX аср ўзбек тилшунослигининг энг катта ютуғи саналади. Унда ўзбек тилининг лексик таркиби илк бора тартибга солинди, луғатларда қандай лексик қатламлар акс этиши меъёрлаштирилди, изоҳли луғат тузиш тамойиллари амалий жиҳатдан қарор топди, луғатчиликнинг турли соҳаларига оид ютуқлар умумлаштирилди. Шунингдек, сўзларни семантик изоҳлаш тартиблари ишлаб чиқилди, кўп маъноли сўзлар ва шу асосда юзага келган омонимлар ўртасидаги семантик чегара кўрсатиб берилди, янги соҳавий луғатларнинг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

7. Замон ва ижтимоий муҳитнинг алмашинуви ўзбек тили лексик қатламида оз йиллар ичida катта ўзгаришлар ясади:

– сиёсий тузумнинг ўзгариши эски сиёсий тузумга тегишли кўплаб сўзлар ва терминларни муомаладан чиқарди, янги соҳалар янги сўзларни олиб кирди, тил сиёсати ўзгариши, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Атамашунослик қўмитасининг фаолияти натижасида янги сўзлар қатлами юзага келди ва бу луғат сўзлигининг салмоқли қисмини ташкил қила бошлади;

– ижтимоий ҳаёт ижтимоий қарашларни ҳам ўзгартирди. Асосан, диний ва маънавий қатламга оид сўзларга берилган изоҳлар субъектив бўёқларга эгалиги яққолроқ кўрина бошлади ва бу мазкур соҳаларда ҳам соҳавий луғатлар яратиш эҳтиёжини пайдо қилди. Тадқиқотларда изоҳли луғатдаги семантик тавсиф бирёқлама эканлиги, сўзларнинг ички тузилишини тўла ёрита бера олмаганлиги ҳақидаги қайдлар кўплаб кузатила бошланди;

– вақт ўтиши билан умумистеъмолдаги сўзлар семантик таркибида кенгайиш ва торайиш ҳолатлари кузатилди. Бу ҳолат икки жилдли изоҳли луғатда акс этмаганлиги янги луғат яратиш эҳтиёжини юзага келтирди.

8. Ўзбек тилида яратилган изоҳли луғатларни солиштириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, беш жилдли изоҳли луғат бир қанча жиҳатлари билан афзалликларга эга, унга луғатчиликда кейинги йилларда эришилган ютуқлар жалб қилинган. Натижада янги беш жилдли изоҳли луғат ҳам оммавийлик, ҳам илмийлик касб этди, луғатчилигимиздаги катта бўшлиқни тўлдира олди, жамият талабларига ўз вақтидаги жавоб бўлди.

9. Социолектлар ҳам миллий тилнинг узвий бир қисми ҳисобланиб, сўзлар тўлиғича ёки муайян семаси билан социолект характеристига эга бўлиши мумкин. Социолектлар нутқий қўлланиш орқали адабий тилнинг бойиши учун маълум даражада хизмат қиласиди.

10. Ўзбек тилининг диний ва маънавий соҳага оид лексикаси энг катта ўзгаришга учраган жабҳа бўлиб, уларнинг ҳам маҳсус лексикага, ҳам умумқўлланишга мос slab тавсифланиши янги изоҳли луғатнинг ютуқларидан биридир